



ХУДУДИЙ ТАРМОҚЛАРДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

М.Т. Бутабоев

и.ф.д., профессор, Фарғона политехника институти

m.butaboyev@fapi.uz

MAQOLA HAQIDA

Qabul qilindi: 24-mart 2025-yil

Tasdiqlandi: 26-mart 2025-yil

Jurnal soni: 14

Maqola raqami: 6

DOI: <https://doi.org/10.54613/ku.v14i.1117>

KALIT SO'ZLAR/ КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА/

KEYWORDS

иссиқхона газлари, атмосфера, иқлим
ўзгариши, глобал исиш, экологик хавф-
хатар, яшил макон.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада жаҳонда ва Ўзбекистонда иссиқхона газларининг атмосфера чиқарилиши, экологик вазият ҳамда унинг оқибатлари баён этилган. Шунингдек, ҳудудларда яшил иқтисодиётни янада ривожлантириш масалалари бўйича зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Кириш. Ҳудудларда "яшил иқтисодиёт"га ўтиш зарурлигини белгиловчи асосий омиллар қўйидагилар: атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, CO₂ углерод газларининг атмосферага чиқарилиш динамикаси, ички иқлим ўзгариши ва ҳавони исиб кетиши, электр энергия тармоғини модернизация қилиш, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, чиқиндилар ва уларни қайта ишлаш, ердаги автомобиль паркларини электрлаштириш, уйжой коммунал хўжалигидаги экологик муаммоларни баҳолаш ва бошқалар киради.

Бугун Ўзбекистонда сув танқислигининг асосий сабабларидан бири ердаги иссиқлик даражасини ошиб кетиши бўлиб, бунга инсон, яъни сиз ва биз айбормиз. Ёқилғи энергия ресурслари, газ, нефть ва кўмирлар минг йиллар давомида жойлашган, улар ер остида турса 1 градус ҳам иссиқлик чиқармайди. XXI асрга келиб саноат ривожланиши, янги шахарларнинг барпо бўлиши, транспорт йўлларининг кўпайиши, саноат корхоналарининг қурилиши, савдо обьектларини кўпайиши, ахолининг тез табиий кўпайиб бориши оқибатида ёқилғи ресурсларига эҳтиёжимиз кескин ошиб кетди. Шу билан бирга нефть, газ ва кўмирни эски технологиялар асосида қазиб олиниб, ёқилиши жуда кўп миқдорда атмосферага иссиқлик чиқармоқда. Жаҳонда бир суткада миллиард тоннналаб кўмир ва нефть, бир неча 100 миллиард метр куб газ ёқилади ва углерод газларини ҳавога чиқарилиши натижасида икlim ўзгариши. Глобал исиш юз беради. Авваллари қиши пайтида табиий ҳолда 15-20 градус сувоқ бўларди ва ёқсан қорлар баҳор фаслигача тоғларда эримасдан турар эди. Баҳорда ҳаволар исиши билан қорлар эриб, дарёлар сувга тўлиб кетарди. Бугун эса иқлим ўзгариши сабаби қишидаёт тофдаги қорлар эриб сингиб кетмоқда ва сув танқислиги вужудга келиб, ҳосидорлик пассайиб кетяпти.

Адабиётлар таҳлили. Тадқиқот мавзууси бўйича олиб борилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатади, "яшил иқтисодиёт" концепцияси нафақат экологик муаммоларни ҳал этишда, балки барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Иминов Т.К. ва ҳаммуаллифлари (2019) томонидан тайёрланган монографияда яшил иқтисодий тизимнинг назарий асослари ва амалий татбиқлари чуқур ёритилган. Бутабоев М.Т. (2023) дарслигида Ўзбекистон шароитида яшил иқтисодиёт моделини жорий этиш йўллари таҳлил қилинган. Вахабов А.В. ва Хажибакиев Ш.Х. (2018) эса барқарор ривожланишда бу модельнинг ўрнини кўрсатиб, иқтисодий ва экологик манбаатларнинг ўйғуллашувини таъкидлаган. БМТ (2018) ва Жаҳон банки (2012) ҳисоботларида эса глобал миқёсда яшил ўсиш тажрибалари ва уларни ривожланаётган давлатларга мослаштириш усуслари ёритилган. ЮНЕСКО (2010) маълумотлари эса концепциянинг ҳалқаро даражадаги стратегик аҳамиятини очиб берган.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда назарий ва эмпирик методлар ўйғун ҳолда қўлланилди. Биринчи босқичда, мавзу бўйича мавжуд адабиётлар — монографиялар, дарсликлар ва ҳалқаро ташкиллар ҳисоботлари — таъқидий таҳлил қилинди. Бу жараёнда таққослаш, синтетик ва аналитик усуслар орқали

мавжуд илмий қарашлар умумлаштирилди. Кейинги босқичда эса, статистик ва эмпирик маълумотларга таянган ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётида яшил моделни жорий этиш имкониятлари ўрганилди. Сўровномалар ва расмий маълумотлар таҳлили орқали экологик ва иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган. Шунингдек, қиёсий метод ёрдамида Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатлар билан солиширилиб, ўзига хос хусусиятлар белгилаб олинди. Натижалар умумлаштирилиб, илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу методологик ёндашув тадқиқот натижаларининг ишончлилигини оширишга хизмат килди.

Тадқиқот натижалари. Сайёрамизда одамлар йилига 86 миллионга кўпаймоқда. Уларнинг эҳтиёжлари ҳам кўпаймоқда, фан-техника ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш компьютерлаштирилмоқда (автоматлаштирилмоқда), ўрмонлар кесилиб кетмоқда, ҳайвон турлари ва ўсимликлар камайиб бормоқда. Чиқиндилар кўпаймоқда. Табиат бузилмоқда. Тупроқ унумдорлиги пасайиб кетмоқда. Қурғоқчилик ва чўлланиш авж олмоқда. Ва натижада экология ўлиб бормоқда. Инсоният табиий ресурслардан жадал фойдаланиб борса, ресурсларимиз 40 йилдан кейин тугайди. Бунинг устига қор ёғиш камайиб кетмоқда. Чунки шимолдан келаётган совуқ ҳаво оқими З мартаға камайиб кетди. Ўзбекистондан сув заҳираси тутамоқда. Заҳирамиз 53000³ км эди. Эҳтиёжимиз эса 62000-65000³ км.

Дунёда 75 % територия сув билан қопланган. Атиги 3% сув экологик тоза хисобланади. Маълумотларга кўра ҳар бир одам бир суткада 1-2 литр сув истеъмол қиласди. Умри давомида эса 35 тонна сув истеъмол қиласди. 2030 йилга бориб сувга бўлган эҳтиёжимиз 55%га ошади. Бугун тоза ичимлик сувини бир литри 90\$ туради. Ўзбекистонда эса 750 сўмдан 7500 сўмгача бўлади. Афсуски, республикамиздаги 8000 сув қудуғидан 2000та сув қудуғи қуриб қолди. Ҳанузгача биз сувни хўжакўрсингиларча талон-тарож қиляпмиз. 80% сувларни қишлоқ хўжалигига ишлатамиз. 15%ини кир ювиш ва гилам ювишга ишлатамиз. Атиги 5%ини истеъмол қиласмиш.

Сувнинг танқислиги оқибатида биохилма-хиллик ҳам қисқариб бормоқда. Биохилма-хиллик тўғрисида 1798 йилда Англия иқтисодчиси Томас Маркуз биринчи марта биохилма-хиллик ўчиги тўғрисида назариясини ишлаб чиқсан. Сайёрамизда 36 та биохилма-хиллик ўчиги мавжуд бўлиб, биохилма-хиллик ўчиглари ер юзи қон-томирларини бошқаради деб ўқтирган. Биохилма-хиллик экотизимларнинг барқарорлигини таъминлашади. Маркузнинг фикрича, инсоният бутун сайёрани саклаб қоломайди. Чунки унга имконияти ҳам етмайди. Хозирги вақтда экологик инқироз тобора кучайиб бормоқда. Яъни, сайёра инқирози, иқлим инқирози таъсирида сайёрамиз инсонлар учун зарур бўлган ресурсларни атиги 50%ини ишлаб чиқармоқда. Яъни, сайёра инсонларни яшашига, ишлашига ва ривожланишига яроқсиз бўлиб қолмоқда. Ҳудудларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга келсак, бу ҳолда ҳудудлар иқтисодиётига яшил технологияларни жорий этиш лозим бўлади.

Шунингдек, Фарғона вилояти ҳудудларида қишлоқ хўжалиги юқори улушга эга эканлигини хисобга олсан, ушбу соҳани диверсификация қилишга эътибор қартиш талаб этилади. Шу билан бирга етиширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш(консервациялаш), экспорт қилиш тизимини кенгайтириш лозим. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноатга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Бу ўз навбатида ҳудудда иш билан бандликни ошишига, иқтисодий кўрсаткичларни ривожланишига, даромадларни кўлайши, солиқ тушумини кўпайиши хисобига молиявий барқарорликни тъминлаш имконияти вуҷудга келади.

Вилоятда хозирги кунда 867 та ўрта мактаб, 205та коллеж, 3270та мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, улардан 2370сини хусусий боғчалар, 897тасини давлат боғчалари ташқил қилади. Йилнинг совук мавсумларида мактабларни иситиш учун ёқилғи сифатида кўмирдан фойдаланилади. Агар битта мактабда ўртacha қиши мавсусида 10,8 тона кўмир ёқилиб, унда бта кичик котелдан фойдаланилса, кўмирнинг ёниши натижасида битта мактабдан атмосферага чиқарилётган заҳарли газлар қўйидагилардан ташкил топади: 1 та печ учун сарф бўладиган газ сарфи – 1,4 $\text{м}^3 / \text{соатга}$ тенг. Газнинг секунддаги сарфи $1,4/3600=0,000389 \text{ м}^3 / \text{сек.}$

Кичик ёниш печлари учун 1000 м^3 газ ёнганда атмосферага қўйидаги миқдорда ташламалар чиқарилади: углерод оксидлари – 12,9 кг, азот оксидлари – 2,15 кг, олтингугурт диоксиди – 0,0037 кг бўлиб, Бунда қўйидагича ташламалар ҳосил бўлади:

$$M_{CO} = 12,9 * 0,000389 = 0,00502 \text{ г/сек.}$$

$$M_{NO} = 2,15 * 0,000389 = 0,000836 \text{ г/сек.}$$

$$M_{SO} = 0,0037 * 0,000389 = 0,000000 \text{ г/сек.}$$

$$M_{CO} = 0,00502 * (3600 \times 3,6 \times 10^3) = 0,00502 * 12,96 = 0,0651 \text{ т/йил.}$$

$$M_{NO} = 0,000836 * 12,96 = 0,0108 \text{ т/йил.}$$

$$M_{SO} = 0,000000 \text{ т/йил.}$$

Олита котёл учун:

$$M_{CO} = 6 * 0,00502 = 0,0301 \text{ г/сек.}$$

$$M_{CO} = 6 * 0,0651 = 0,3906 \text{ т/йил.}$$

$$M_{NO} = 6 * 0,000836 = 0,005 \text{ г/сек.}$$

$$M_{NO} = 6 * 0,0108 = 0,065 \text{ т/йил.}$$

Вилоят бўйича 867 та мактабдан газдан фойдаланилганда қўйидаги миқдордаги ташламалар ҳосил бўлади.

$$M_{CO} = 867 \times 0,3906 \text{ т/йил} = 339 \text{ т/йил} - 339000 \text{ кг/йил}$$

$$M_{NO} = 867 \times 0,065 \text{ т/йил} = 56,4 \text{ т/йил} = 56400 \text{ кг/йил}$$

2. Агар ёқилғи сифатида кўмирдан фойдаланилса қўйидагича

ташламалар ҳосил бўлади.

Кўмир ва ўтин сарфи Зкг/соат. Йиллик сарфи $B=3 \times 24 \times 150=10800 \text{ кг/йил}=10,8 \text{ т/йилни ташкил қилади.}$

Кул

$$867 \times 1,4856 \text{ т/йил} = 1288 \text{ т/йил}$$

Ис гази

$$M_{CO}=867 \times 0,2094 \text{ т/йил} = 182 \text{ т/йил} = 182000 \text{ кг/йил}$$

Азот оксидлари ташламалари (азот (II)-оксидга нисбатан)

$$M_{NO}=867 \times 0,1074 \text{ т/йил} = 94 \text{ т/йил}$$

Олтингугурт оксидлари ташламалари (олтингугурт (II)-оксидга нисбатан)

$$M=867 \times 0,17 \text{ т/йил} = 147,4 \text{ т/йил}$$

Вилоят бўйича 205 та коллежда газдан фойдаланилганда қўйидаги миқдордаги ташламалар ҳосил бўлади. Ҳар бир коллежда ўртacha 16 тадан миникотел ишлатилади

$$M_{CO} = 12,9 * 0,000389 = 0,00502 \text{ г/сек.}$$

$$M_{NO} = 2,15 * 0,000389 = 0,000836 \text{ г/сек.}$$

$$M_{SO} = 0,0037 * 0,000389 = 0,000000 \text{ г/сек.}$$

$$M_{CO} = 0,00502 * (3600 \times 3,6 \times 10^3) = 0,00502 * 12,96 = 0,0651 \text{ т/йил.}$$

$$M_{NO} = 0,000836 * 12,96 = 0,0108 \text{ т/йил.}$$

$$M_{SO} = 0,000000 \text{ т/год} - .$$

16 та котёл учун:

$$M_{CO} = 16 * 0,0651 = 1,04 \text{ т/йил}$$

$$M_{NO} = 16 * 0,0108 = 0,17 \text{ т/йил.}$$

205 та коллежда газдан фойдаланилганда қўйидаги миқдордаги ташламалар ҳосил бўлади.

$$M_{CO} = 205 \times 1,04 \text{ т/йил} = 213,2 \text{ т/йил}$$

$$M_{NO} = 205 \times 0,17 \text{ т/йил} = 34,85 \text{ т/йил}$$

Агар ёқилғи сифатида кўмирдан фойдаланилса қўйидагича ташламалар ҳосил бўлади.

1та миникотеда қаттиқ ёқилғи учун ўрнатиладиган меъёрлар Кул чиқинчиси

$$M_{tb} = AxBfx(1-\eta) \text{ (т/йил, г/сек)}$$

$$M = 16 * 13,1 * 0,0035 * (1-0,5) = 0,3668 \text{ т/йил}$$

$$\text{ёки } 0,3668 / 3600 * 3,6 * 10^{-3} = 0,0283 \text{ г/сек}$$

$$Q = (0,0283 / 0,106) * 10^3 = 266,981 \text{ м}^3 / \text{сек}$$

$$205 \text{ та коллежда } 205 \times 16x 0,3668 = 1209,5 \text{ т/йил кул}$$

б) углерод моноксид ташламалари

$$M = 205 \times 16x 0,05174 = 170,2 \text{ т/йил}$$

в) Азот оксидлари ташламалари (азот (II)-оксидга нисбатан)

$$M = 205 \times 16x 0,0265 = 87 \text{ т/йил}$$

г) Олтингугурт оксидлари ташламалари (олтингугурт (II)-оксидга нисбатан)

$$M = 205 \times 16x 0,0416 = 138 \text{ т/йил}$$

3270 та мактабгача таълим муассасаларида ҳосил бўлаётган чиқиндилар миқдори қўйида келтирилган

Ушбу муассасаларда ўртача 4 тадан миникотеллардан фойдаланилади. Ёқилғи сифатида газдан фойдаланилганда 3270 та МТМ дар атмосферага ташланётган ташламалар миқдори қўйидагича:

$$M_{CO} = 3270 \times 4 \times 0,0651 = 851,6 \text{ т/йил}$$

$$M_{NO} = 3270 \times 4 * 0,0108 = 235,44 \text{ т/йил.}$$

Кўмирдан фойдаланилганда қўйидаги ташламалар ҳосил бўлади

кул

$$3270 \times 4 \times 0,2476 = 3239 \text{ т/йил}$$

б) углерод моноксид ташламалари

$$M_{CO} = 3270 \times 0,001 \times 3,25 \times 10,8 \times (1-0,5 / 100) = 114,123 \text{ т/йил}$$

4 та котелдан чиқаётган ташлама

$$M_{CO} = 3270 \times 4 \times 0,0349 = 456,5 \text{ т/йил}$$

в) Азот оксидлари ташламалари (азот (II)-оксидга нисбатан)

$$M_{NO} = 3270 \times 4 \times 0,0179 = 234,132 \text{ т/йил}$$

г) Олтингугурт оксидлари ташламалари (олтингугурт (II)-оксидга нисбатан)

$$M = 3270 \times 4 \times 0,02801 = 366,24 \text{ т/йил}$$

Ушбу муассасаларда газдан фойдаланилганда ҳосил бўлаётган ташламаларнинг умумий миқдори

$$M_{CO} = 339 + 213,2 + 851,6 = 1403,8 \text{ т/йил}$$

$$M_{NO} = 56,4 + 34,85 + 235,44 = 326,69 \text{ т/йил}$$

Кўмирдан фойдаланилганда қўйидагича ҳосил бўладиган ташламалар

кул

$$1288 + 1209,5 + 3239 = 5736,5 \text{ т/йил}$$

ис гази

$$M_{CO} = 182 + 170,2 + 114,123 = 466,323 \text{ т/йил}$$

АЗОТ ОКСИДЛАРИ ТАШЛАМАЛАРИ (АЗОТ (II)-ОКСИДГА НИСБАТАН)

$$M_{NO} = 94 + 87 + 234,132 = 415,132 \text{ т/йил}$$

ОЛТИНГУГУРТ ОКСИДЛАРИ ТАШЛАМАЛАРИ (ОЛТИНГУГУРТ (II)-ОКСИДГА НИСБАТАН)

$$M = 147,4 + 138 + 366,24 = 651,64 \text{ т/йил}$$

Марғилон шахрида ҳозирги кунда 741 та умумий овқатланиш шоҳобчалари, 801 та сомсаҳоналар, 683 та нонвойхоналар ва 496 та кабобхоналар, жами 2731 та объект фаолият олиб бормоқда. Ҳосил бўладиган ташламаларнинг фақатгина Марғилон шахридаги умумий овқатланиш шоҳобчалари, сомсаҳоналар, нонвойхоналар ва кабобхоналар мисолида оладиган бўлсак, уларнинг ҳосил бўлиш миқдори қўйидагича:

газдан фойдаланилганда қўйидаги миқдордаги ташламалар ҳосил бўлади.

$$M_{CO} = 2731 \times 1,04 \text{ т/йил} = 2840,24 \text{ т/йил}$$

$$M_{NO} = 2731 \times 0,17 \text{ т/йил} = 464,27 \text{ т/йил}$$

Агар ёқилғи сифатида кўмирдан фойдаланилса қўйидагича ташламалар ҳосил бўлади.

Кул чиқиндиси
 2731 та обьекта 2731x16x 0,3668=16028т/йил кул
 б) углерод моноксид ташламалари
 М=2731x16x 0,05174=2261т/йил
 в) Азот оксидлари ташламалари (азот (II)-оксидга нисбатан)
 М=2731x16 x 0,0265=1158т/йил
 г) Олтингүргүрт оксидлари ташламалари (олтингүргүрт (II)-оксидга нисбатан)
 М=2731x16x 0,0416=1818 т/йил

Вилоятда 867 та мактаб фаолият олиб боради ва қиши мавсумда бир йилда 10,8 тонна күмір ёқади. Вилоят бүйічка 867 та мактабдан 9 миллион 363 минг 600 тонна күмір ёқлади. Бир йилда вилоят мактабларидан 9,3 тонна ис газлари чиқарилади ва 0,207 тонна кул өнгөн чиқади.

Вилоядта 205 та коллежлар ишлайды ва қиши мавсумыда ҳар бир коллеж 5,5 тоннадан күмір ёқади. Күмір ёқиши натижасыда 4,5 тоннага якын ис газлари ва 0, 93 тонна кул чиқиндиси чиқади.

Үсимлил дүнёсі бўлмаса ҳаёт бўлмайди. Дараҳт экиш ва ўрмонлаштириши иккита ҳислати бор, биринчидан дараҳтлар углерод газини ютади, иккинчидан дараҳт ўзидан кислород ишлаб чиқаради.

Бугунги кунда мамлакатимизда “Яшил макон” миллій лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бу лойиҳада йилига 200 миллион тупдан ортиқ дараҳт ва кўчатларни экиш орқали шахарлардаги яшил майдонларни амалдаги 8 % дан 30 % гача ошириш режалаштирилди. Шу билан биргаликда Ўзбекистонда 2 ноябрдан 10 декабрғача дараҳт экиш бўйича “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинди. Худудлар кесимида Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 16 миллион тупдан, Андикон, Бухоро, Наманган ва Фарғона вилоятларида 15 миллион тупдан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида эса 14 миллион тупдан кўчут экиш режалаштирилди. Лойиҳа бўйича муассасалар ҳовлиси, маҳаллаларга, йўл ва дала четларига ҳам дараҳтлар экилиши белгиланди.

Мутахассисларнинг тавсияларига асосан, ҳудудларда экиш учун 27 турдаги дараҳт кўчатларини экиш таклиф этилди. Масалан, каштан, оққайн, эман, япон сафораси, шумтол, қайрағоч, павлония, терак, акация, чинор, тут, жийда, ёнғоқ, беҳи, олма, узум ва виртун арчаси бизнинг минтақалар учун мосдир.

Мұхокама. Ҳар бир вилоятнинг иклими ва тупроқ таркиби инобатта олинниб, қайси кўчут униб, кўкариб кетишига жиҳдий әтиб бер қаратилади.

Фикримизча, Фарғона вилояти ҳоқимлиги туманлар кесимида, маҳаллаларда, дала чеккаларига тутлар, дараҳтлар, арчалар, чинор ва мевали дараҳтларни ҳашар йўли билан 1 млн тупи ўтказилса, 200 минг тонна CO₂ заҳарли газларни зарарсизлантириш мүмкін, Ўзбекистон бўйича эса 20 млн тупи ўтказилса, 4-5 млн тонна углерод газлари зарарсизлантирилади.

Бугунги кунда дунёда исиқхона газларининг атмосферага чиқарышнинг нормаллаштириш, яшил энергетика тизимларига инвестилялар киришиш, кўмирга ва мазутга ишлайдиган электр станцияларини босқич-босқич тўхтатиш, муқобил энергия истеъмолига ўтиш, шамол, қўёш энергия манбаларидан тўла фойдаланиши рафтаблантириш ҳамда “яшил” технологиялардан кенг фойдаланиш, энергия самарадорлигини ошириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Хозирги кунда икlim үзгариши энг катта экологик хавф-хатар туғдирмоқда. Шу билан биргаликда глобал қазиб олинаётган ёқилғи (күмір йилига 32 миллиард тонна) ва нефт махсулотларидан (Осиё давлатларида 0,7 миллиард тонна, газ 221 миллиард куб метр) фойдаланиш ҳозирги вақтда иклимини 4°C дан 6 °C гача кўтарилиши мүмкін. Бу эса озиқ-овқат ишлаб чиқариш, инсон саломатлиги ва биологик хилма-хиллик учун фохиали ҳалокатларни келтириб чиқаради.

Чорвачилиқда, паррандачилиқда ва үсимлик чиқиндилярини қайта ишлаш натижасида олинган биогаз қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда аҳамиятлиdir. Уларни қайта ишлаш натижасида ҳосил қилинган табиий минерал ўғитлардан фойдаланиш тупроқ үнумдорлиги оширади. Шу билан биргаликда, сунъий интелект ёрдамида ерни мелоратив холатини, яъни шўрланиш, заҳланиш, қуриқланиш, емирилганлик дараҷалари ўрганилади ва “ташхез” қўяди[1]. Ўзбекистонда ҳар йили тупроқ

қуриқшаб, емирилиш оқибатида 15 минг гектар ер ишдан чиқмоқда.

Бугунги кунда икlim үзгариши ва глобал ошиш, тупроқ табиий үнумдорлигини пасайиб кетаётганлиги, биохилма-хилликни камайиб кетаётганлиги, табиий капитал заҳираларининг тугаб бораётганлиги, ичимлик суви танқислиги, атроф-муҳитни ифлосланиши, озиқ-овқат инқизори, энергия муаммоси, қайта тикланадиган энергия истеъмолига оммавий ўтиш, атмосфера га чиқариладиган CO₂ углерод оксиди газлари нормадан юқорилиги, автомобил паркларининг электрлаштириш ва бошқалар асосий экология муаммолоси ҳисобланади[2].

Икlim үзгариши авлодлараро юқ бўлиб, Ўзбекистон келажак авлод олдиғаги мажбуриятини ошириши лозим, чунки глобал энергияга талаб 2020 йилдаги 20 ТВт 2040 йилга келиб 25 ТВт га ошади ва 2050 йилга келиб ҳозирги (2023 йил) дараҳадан икки баробар кўпайди. Ўзбекистон паст углеродли, иклимга чидамли энергетика инфратузилмасига эришиш учун яшил молия портфелини таклиф қилиши керак. Агар ҳеч қандай молиявий чора кўрилмаса қазиб олинаётган нефт, мазут, газ ва кўмирлардан ишлаб чиқарышда фойдаланиши кенгайтирасак (фойдаланиши давом эттирасак) атмосферадаги CO₂ концентрациясини юқорилиги сабабли 2050 йилга келиб 2,5°C дан 4,5°C гача глобал ошишига олиб келади. Икlim үзгариши натижасида мамлакатимиз 20 фоиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ўйқотади.

Ҳозирги вақтда ер ости (Ўзбекистон) қазилма бойликларини қазиб олиша 60 миллион тонна чиқиндилар атроф муҳитга ташлаб юорилади, конларни портлатишида 250 минг тонна чанг, 10 минг тонна заҳарли газлар шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метр бўлгани учун чанг ва заҳарли газлар 70-120 км.гача учеби бориб атроф-муҳитни заҳарламоқда.

Хулоса. Бизга маълумки, Ўзбекистонда энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини яхшилаш учун катта имкониятлар мавжуд. Унинг экологик юкини камайтириш учун кўмирни иложи борича технология асосида ёқиши зарур, лекин ҳозир ҳам ривожланаётган мамлакатлар томонидан кўлланиладиган эски усууллар сақланиб қолмоқда, бу эса мақсадга мос келмайди.

Ўзбекистонда йилига 320 миллион тонна углерод чиқиндилар атмосфера ҳавосини заҳарламоқда. Ҳар бир фуқароға 1,2 минг тонна углерод чиқинди тўғри келади, бу Европа фуқароларга нисбатан 14 % га кўп демакдир.

Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 10 июнь куни эълон қилган маълумотига кўра республикада бир йилда атмосфера ҳавосига 909 минг тонна турли хил ифлослантирувчи моддалардан иборат ташламалар ташланган.

Бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 43,8 минг (4,6 %) ҳамда 2020 йилга нисбатан 15,4 минг (2 %) тоннага камайганлигини кўриш мүмкін. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Концепциясида ҳар йили саноат ташламаларини 1 фоизга камайтириш белгиланган. Биргина, ўтган 2021 йил давомида жами 131 та корхонада 230 та чанг-газ тозалаш ускуналари модернизация қилиниб, 22 та корхонада 60 та янги ускуналар ўрнатилган. Ушбу тадбирлар учун жами 33,7 млрд.сўм маблағ сарғфланади.

Айниқса, ушбу тадбирлар Андикон, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кенг кўламда амалга оширилганлиги боис ушбу ҳудудлардаги ташламалар мукдори олдинги йилга нисбатан мос равишида 6,5, 13,7, 25,8, 5,0, 3,5 ва 4,7 минг тоннага камайган.

Ҳозирда мамлакатимизда “Яшил макон” миллій лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бу лойиҳада йилига 200 миллион тупдан ортиқ дараҳт ва кўчатларни экиш орқали шахарлардаги яшил майдонларни амалдаги 8 % дан 30 % гача ошириш режалаштирилди. Шу билан биргаликда Ўзбекистонда 2 ноябрдан 10 декабрғача дараҳт экиш бўйича “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинди. Худудлар кесимида Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 16 миллион тупдан, Андикон, Бухоро, Наманган ва Фарғона вилоятларида 15 миллион тупдан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида эса 14 миллион тупдан кўчут экиш режалаштирилди. Лойиҳа бўйича муассасалар ҳовлиси, маҳаллаларга, йўл ва дала четларига ҳам дараҳтлар экилиши белгиланди.

Мутахассисларнинг тавсияларига асосан, ҳудудларда экиш учун 27 турдаги дарахт кўчатларини экиш таклиф этилди. Масалан, каштан, оққайин, эман, япон сафораси, шумтол, қайрағоч, павлония, терак, акация, чинор, тут, жийда, ёнғок, беҳи, олма, узум ва виртин арчаси бизнинг минтақалар учун мосдир. Ҳар бир вилоятнинг иқлими ва тупроқ таркиби инобатга олиниб, қайси кўчат униб, кўкариб кетишига жиддий эътибор қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Иминов Т.К., Вахабов А.В., Тешабоев Т.З., Бутабоев М.Т. “Зелёная экономика” как основа устойчивого развития. Монография. - Т.: “Aloqachi”, 2019. - 480 с.
2. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Барқарор иқтисодий ривожланишин таъминлашда “яшил иқтисодиёт”нинг ўрни /“Жаҳонда барқарор иқтисодий ривожланиш концепцияларини амалга ошириш механизми ва дастаклари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. -: Тошкент. “Universitet”. 2018. 4-15 б.
3. М.Бутабоев. “Яшил” иқтисодиёт. Дарслик. ФарПИ. 2023 йил. 215 бет.
4. Зелёный рост на практике. Доклад ООН. 2018 г.
5. Глобальный зелёный новый курс. Доклад ЮНЕП. 2010 г.
6. Открытый для всех зелёный рост. Доклад всемирного банка. 2012 г

Фикримизча, Фарғона вилояти ҳокимлиги туманлар кесимида, маҳаллаларда, дала чеккаларига тутлар, дарахтлар, арчалар, чинор ва мевали дарахтларни хашар йўли билан 1 млн тупи ўtkазилса, 200 минг тонна CO₂ заҳарли газларни зарарсизлантириш мумкин, Ўзбекистон бўйича эса 20 млн тупи ўtkазилса, 4-5 млн тонна углерод газлари зарарсизлантирилади.